КОМПЬЮТЕР ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ ФАНИДАН МАЖМУА

Ҳ.Урдушев, М.Рахимов

Компьютер тизимларида ахборотларни ҳимоялаш фанидан амалий, лаборатория иши ва мустақил таълим вазифаларини бажариш учун

М А Ж М У А

«Иқтисодиёт» ва «Фермер хўжалигини бошқариш» йўналишларида таълим олаётган бакалавлар учун

Самарқанд 2009

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ОЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ

КОМПЬЮТЕР ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ ФАНИДАН АМАЛИЙ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН МАЖМУА.

«Иқтисодиёт» ва «Фермер хўжалигини бошқариш» йўналишларида таълим олаётган бакалаврлар учун

Тузувчилар: доцент Ҳ.Урдушев, доцент М.Н.Рахимов
Тақризчилар: доцент З.Махмудов (ТАТУ Самарқанд филали),
катта ўқитувчи Абдулаҳад Рахимов (СамҚХИ).

Мажмуа «Олий математика ва ахборот технологиялари кафедраси компьютерларида терилиб сахифаланган ва кўпайтирилган. Самарқанд 2009 йил. 108 бет.

М у н д а р и ж а

I.Компьютер тизимларида ахборотларни ҳимоялаш фан дастури 5

II.Компьютер тизимларида ахборотларни ҳимоялаш фанидан ишчи ўқув дастури 10
II.1.Маъруза машғулотларининг мавзулари 11
II.2.Амалий машғулот ва лаборатория ишлари мавзулари 12
II.3.Мустақил таълим мавзулари 13
II.4 «Компьютер тизимида ахборотларни ҳимоялаш» фанидан якуний баҳолаш саволари 14
II.5.Фан бўйича адабиётлар рўйхати ва интернет ахборот ресурсларидаги электрон версияларининг номи 16
II.6.Фан бўйича талабаларни баҳолаш тартиби 17

1. Мавзу. Windows операцион тизимини паролли ҳимоялаш 18
1.1.Операцион тизимларни паролли ҳимоялаш 18
1.2. Паролларни ўрнатиш ва олиб ташлаш 20
2.Мавзу. Windows операцион тизимида файл ва папкалар тузиш, нусхаларини яратиш ва архивлаш 22
2.1.Windows XP папка ва файллар яратиш 22
2.2. Папка ва файллар нусхаларини яратиш 23
2.3. Архиватор дастурлари 24
2.4. Windows XP папка ва файлларни архивлаш 24
2.5. Архивланган папка ва файлни очиш 27
3.Мавзу. Windows XP иловалари паролли ҳимоялаш 29
3.1. Microsoft Word дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш 29
3.2. Microsoft Excel дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш 30
3.3. Компьютерда вазифалар бажариш 32
4. Мавзу. Антивирус дастурлари 33
4.1.Антивирус дастурлари ҳақида 33
4.2. NOD32 антивирус дастури 34
4.3. Касперского Personal антивирус дастури 36
4.4. Антивирус дастурлари билан ишлаш 37
5.Мавзу. Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари Ахборотларни шифрлашда ўринларни алмаштириш усули 40
5.1. Ахборотларни ўринларни алмаштириш усули билан шифрлаш 40
5.2. Ахборотларни таянч сўзли ўринларни алмаштириш усули билан шифрлаш 42
Амалий машғулот вазифалари 45
Лаборатория иши вазифалари 47
6. Мавзу. Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари. Ахборотларни шифрлашни Цезар усули 49
6.1. Ахборотларни Цезар усули билан шифрлаш 49
6.2. Ахборотларни аффин тизимидаги Цезар усули билан шифрлаш 50
6.3. Таянч сўзли Цезар усули 53

Лаборатория иши вазифалари 54
Мустақил таълим вазифалари 55
7.Мавзу. Ахборотларни гаммалаш усули билан шифрлаш 56
7.1. Таққосламалар ҳақида асосий тушунчалар 56
7.2. Ахборотларни гаммалаш усули билан шифрлаш 57
Амалий машғулот вазифалари 60
Лаборатория иши вазифалари 62
8.Мавзу. Ахборотларни симметрик усул билан шифрлаш. Вижинер усули 63
8.1.Ахборотларни Вижинер жадвали билан оддий шифрлаш 64
8.2. Ахборотларни Вижинер жадвали билан калитли шифрлаш 65
Амалий машғулот вазифалари 68
Лаборатория иши вазифалари 72
Мустақил таълим вазифалари 74
9.Мавзу. Ахборотларни криптографик ҳимоялашни аналитик усуллари. Хилл усули 75
9.1.Хилл усули билан ахборотларни шифрлаш 75
9.2.Хилл усули билан ахборотларни дешифрлаш 76
Амалий машғулот вазифалари 80
Лаборатория иши вазифалари 84
Мустақил таълим вазифалари 88

Мустақил таълим учун материаллар 93

Мавзу. Вирусларнинг файллар таркибига таъсири 93
Файллар таркибини бузувчи ва бузмайдиган вируслар 93
Оператор курилмаларига таъсир этувчи вируслар 94
Мавзу. Ташкилотларда ахборотларни ҳимоялаш 96
Ташкилотлардаги ахборотларни ҳимоялаш 96
Ахборотларни ташкилий ҳимоялаш элементлари 96
Ахборот тизимларида маълумотларга нисбатан хавф-хатарлар 97
Мавзу. Электрон тўловлар тизимида ахборотларни ҳимоялаш 99
Электрон тўловлар тизими асослари 99
Идентификацияловчи шахсий номерни ҳимоялаш 100
Банкоматлар хавфсизлигини таъминлаш 101
Internetда мавжуд электрон тўловлар хавфсизлигини таъминлаш 102
Мавзу. Компьютер тизимларининг ҳимояланганлик даражасини аниқлаш воситалари 103
Компьютер тизимларининг ҳимояланганлик даражасини аниқлаш воситалари 103
SSS(System Secyrity Scanner) дастури 103
Internet Scanner SAFFEsuite дастури ҳақида 104

I.Компьютер тизимларида ахборотларни ҳимоялаш ФАН ДАСТУРИ

Олий таълимнинг:600000 Қишлоқ хўжалиги билим соҳасининг 5340100 - "Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)" 5541000 - "Фермер хўжаликларини бошқариш" бакалавр йўналишлари учун.
Самарқанд -2006

Тузувчилар: иқтисод фанлари номзоди, доцент Ҳ.Урдушев,
иқтисод фанлари номзоди, доцент М.Н.Рахимов

Такризчилар: иқтисод фанлари номзоди, доцент – Б.И.Усманов (СамДУ), техника фанлари номзоди, доцент – И.Абруев (СамҚХИ)

Фан дастури: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори томонидан (30. 08. 2006 й.) тасдиқланган (Проф. Ш.Т.Ҳолиқулов)

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти марказий аттестация ва услубий кенгашининг 30. 08. 2006 йилдаги №1 сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган(Кенаш раиси, профессор Т.Э.Остонақулов)

"Иқтисодиёт ва бошқарув" факултети услубий кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва 29.08.2006 йилдаги №1- сонли баённомаси билан тасдиққа тавсия этилган (Факультет илмий – услубий кенгаши раиси, доцент Т.Қ.Қудратов).

"Олий математика ва ахборот технологиялари" кафедраси йиғилишида муҳокама қилинган ва 2006 йил 19.05.2006 йилдаги 10- сонли баённомаси билан тасдиққа тавсия этилган (Кафедра мудири, доцент П.З.Давронов)

Кириш

Ўқитишнинг мақсади ва вазифаси

а)курсининг мақсади: талабаларга компьютер тизимларининг ахборот хафсизлиги ва ҳимоя қилишни тамойилларини; Windows операцион тизимини ва унинг иловаларида паролли ҳимоялашни; асосий ташкилий, техникавий ва дастурий воситаларидан фойдаланишни; компьютер вирусида ва уларни қарши воситалар билан таъминлашни; Internetда ахборотларни ҳимоя қилишни ўргатиш.

б) курснинг вазифалари: талабаларда компьютер тармоқлари ва тизимларида ахборот ҳавфсизлиги тўғрисида билимларни шакллантириш; ахборотни ҳимоя қилишнинг назарий, амалий ва услубий асосларини бериш; компьютер тармоқлари ва тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усуллари ва воситаларини қўллашни ўргатиш; талабаларни ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган турли хил дастурий маҳсулотлардан эркин фойдалана олиш имконини берадиган билимлар билан таъминлаш.

Фан бўйича талабаларнинг билимига ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

а) тасаввурга эга бўлмоғи лозим: ахборотнинг жисмоний бутунлигини таъминлашни, ахборотни тегишли ҳуқуқларга эга бўлмаган шахслар ёки жараёнлар орқали тармоқдан рухсат этилмаган ҳолда олишга йўл қўймаслик; эгаси тамонидан берилаётган (сотилаётган) ахборот ва ресруслар фақат тамонлар ўртасида келишилган шартлар асосида қўлланилишиши;

б) билиши керак: компьютер тармоқлари ва тизимларидаги ахборот хавфсизлигига таҳдид солиши кутилаётган хавф -хатарнинг моҳиятини ва оқибатларини; компьютер тармоқлари ва тизимларида ахборотни ҳимоя қилиш бўйича қўйиладиган асосий талаблар ва асосларни; ахборотни ҳимоя қилишда қўлланиладиган замонавий амалий тизимлар ва дастурий махсулотларни ишлатишни;

в) бажариши лозим: ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини қуриш; турли хил вазифали ва турли хил тегишли ахборотларни умумий берилганлар базасига мужассамлаштириш; рухсат этилмаган мурожаат қилишни; берилганларни нусхалаш ва алмаштириш; ахборотларни шифрлаш усулларини.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

"Компьютер тизимларида ахборотларни ҳимоялаш" фани "Ахборот технологиялари", "Информатика", "Олий математика" фанлари билан чукур алоқада бўлади.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

"Компьютер тизимларида ахборотларни ҳимоялаш" фанининг ўқитиш энг замонавий илғор ахборот ва компьютер технологияси ютуқлари асосида олиб борилади.

Фаннинг мазмуни

Кириш. Ахборотларга нисбатан мавжуд хавф-хатарлар асослари

Ахборотларга нисбатан мавжуд хавфсизликларнинг асосий тушунчалари ва унинг таснифи. Ахборот хавфсизлигига кириш. Предметнинг асосий тушунчалари ва мақсади. Ахборотларга нисбатан хавф-хатарлар таснифи. Тармоқ хавфсизлигини назорат қилиш техник воситалари

Автоматлаштирилган ахборот тизимларида маълумотларга нисбатан хавфлар. Автоматлаштирилган ахборот тизимларида ҳимоялаш зарурияти. Ахборотни ҳимоялаш тизими.Ташкилотлардаги ахборотларни ҳимоялаш. Ҳимоялаш тизимининг комплекслиги. Ахборотларни ташкилий ҳимоялаш элементлари. Ахборот тизимларида маълумотларга нисбатан хавф-хатарлар

Вирус ва антивируслар таснифи. Вирус ва унинг турлари. Зарарланган диск. Компьютер вируси. Компьютер вирусларидан ахборотларга рухсатсиз кириш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш. Антивирус дастурлари. Вирусларга қарши чора- тадбирлар

Замонавий компьютер стенографияси ва криптографияси

Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари. Замонавий компьютер стенографияси.Компьютер стенографияси истиқболлари.Компьютер стенографиясининг асосий вазифалари. Конфидециал ахборотларни киришдан ҳимоялаш. Мониторинг ва тармоқ захираларини бошқариш тизимларини

енгиш. Дастурий таъминотни ниқоблаш. Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш.Стенографик дастурлар тўғрисида қисқача маълумот

Ахборотларни крептографик ҳимоялаш усуллари. Крептография ҳақида асосий тушунчалар. Кодлаштириш ва шифрлаш. Ахбротларни криптографияли ҳимоялаш тамойиллари. Компьютер маълумотларини ҳимоялашнинг техник-дастурий воситалари. Симметрияли криптотизим асослари.Ўринларни алмаштириш усуллари. Алмаштириш усуллари

Компьютер тармоқларида маълумотларнинг рухсатсиз тарқалиши ва уларни бартараф этиш усуллари

Маълумотларни тарқалиб кетиши ва маълумотларга рухсатсиз кириш Ахборот тизимларининг таъсирчан қисмлари. Электрон почтага рухсатсиз кириш.Маълумотларга рухсатсиз киришнинг дастурий ва техник воситалари

Компьютер тармоқларида маълумотларни тарқалиш каналлари

Компьютер тармокларининг заиф қисмлари. Тармоқ ҳимоясининг ташкил этиш асослари. Компьютер телефониясидаги ҳимоялаш усуллари

Компьютер тармоқларида замонавий ҳимоялаш усуллари ва воситалари

Компьютер тармоқларида ҳимояни таъминлаш усуллари. ЭҲМ ҳимоясини таъминлашнинг техник воситалари. Компьютер тармоқларида маълумотларни ҳимоялашнинг асосий йўналишлари. Internet тармоғида мавжуд алоқанинг ҳимоясини таъминлаш асослари

Internet тизимида маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва воситалари

Internetда ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш асослари. Internet га рухсатсиз кириш усулларининг таснифи. Рухсат этилган манзилларнинг рухсат этилмаган вақтда уланиши. Тармоқлараро экран ва унинг вазифалари.Тармоклараро экраннинг асосий компонентлари

Электрон почтада ахборотларга нисбатан мавжуд хавф-хатарлар ва улардан ҳимояланиш асослари. Электрон почтадан фойдаланиш. E-mail асослари. E-mail даги мавжуд муаммолар. Электрон почтада мавжуд хавфлар.Электрон почтани ҳимоялаш.

Электрон тўловлар тизимида ахборотларни ҳимоялаш. Электрон тўловлар тизими асослари. Идентификацияловчи шахсий номерни ҳимоялаш. POS тизими хавфсизлигини таъминлаш.Банкоматлар хавфсизлигини таъминлаш.Internet да мавжуд электрон тўловлар хавфсизлигини таъминлаш.Ахборотларни ҳимоялашнинг асосий воситалари

Компьютер тизимларининг ҳимояланганлик даражасини аниқлаш воситалари.Асосий тушунчалар.Sustem Security Scanner (SSS) дастури хақида.SATAN ва Internet Scanner SAFE дастурлари

Амалий ва лаборатория машғулотлари

Windows операцион тизимини паролли ҳимоялаш

Операцион тизимларни паролли ҳимоялаш. Паролларни ўрнатиш ва олиб ташлаш

Windows операцион тизимида файл ва, папкалар тузиш, нусхаларини яратиш ва архивлаш

Windows XP папка ва файллар яратиш. Папка ва файллар нусхаларини яратиш. Архиватор дастурлари.Windows XP папка ва файлларни архивлаш. Архивланган папка ва файлларни очиш.

Windows XP иловалари паролли ҳимоялаш

Microsoft Word XP дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш. Microsoft Excel XP дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш.

Антивирус дастурлари

Антивирус дастурлари ҳакида. NOD32 антивирус дастури унинг имкониятлари. Касперского Personal антивирус дастури ва унинг имкониятлари. Антивирус дастурлари билан ишлаш.

Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари Ахборотларни шифрлашда ўринларни алмаштириш усули.

Ахборотларни ўринларни алмаштириш усули билан шифрлаш. Ахборотларни таянч сўзли ўринларни алмаштириш усули билан шифрлаш

Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари

Ахборотларни шифрлашни Цезар усули. Ахборотларни Цезар усули билан шифрлаш. Ахборотларни аффин тизимидаги Цезар усули билан шифрлаш. Таянч сўзли Цезар усули

Ахборотларни гаммалаш усули билан шифрлаш

Таққосламалар ҳакида асосий тушунчалар. Ахборотларни гаммалаш усули билан шифрлаш

Ахборотларни симметрик усул билан шифрлаш. Вижинер усули. Ахборотларни Вижинер жадвали билан оддий шифрлаш усули. Ахборотларни Вижинер жадвали билан калитли шифрлаш.

Ахборотларни криптографик ҳимоялашни аналитик усуллари. Хилл усули. Ахборотларни шифрлашнинг Хилл усули.

Интернетда ахборот хавфсизлиги.

Интенетга рухсатсиз кириш усуллари. Рухсат этилган мазилларнинг рухсат этилмаган вактда уланиши. Тармокларараро экран ва унинг вазифалари. Интернетда ишлаш.

Мустакил таълим мавзулари

Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари. Ахборотларни шифрлашни Цезар усули

Ахборотларни Цезар усули билан шифрлаш. Ахборотларни аффин тизимидаги Цезар усули билан шифрлаш.

Ахборотларни симметрик усул билан шифрлаш. Вижинер усули

Ахборотларни Вижинер жадвали билан шифрлаш. Ахборотларни Вижинер жадвали билан калитли шифрлаш

Ахборотларни криптографик ҳимоялашни аналитик усуллари. Хилл усули

Вирусларнинг файллар таркибига таъсири

Файллар таркибини бузувчи ва бузмайдиган вируслар. Оператор ва қурилмаларга таъсир қилувчи вируслар

Ташкилотларда ахборотларни ҳимоялаш

Ташкилотларда ахборотларни ҳимоялаш. Ахборотларни ташкилий ҳимоялаш элементлари. Ахборот тизимларида маълумотларга нисбатан хавф-хатарлар

Электрон тўловлар тизимида ахборотларни ҳимоялаш

Электрон тўловлар тизими. Идентификация шахсий номерини ҳимоялаш. Банкоматлар хавфсизлигини таъминлаш. Интернетда мавжуд электрон туловлар хавфсизлини таъминлаш. Ахборотларни ҳимоялаш воситалари

Компьютер тизимларининг ҳимояланганлик даражасини аниқлаш воситалари

SSS –System security Scanner дастури ва унинг асосий вазифалари. Satan ва Internet Scanner SAFE дастури ва унинг вазифалари.Internet Scanner SAFFEsuite дастури ҳақида

Дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий

1. Алимов Р.Х, Ходиев Б.Ю., Алимов Қ. А., Усмонов С.У., Бегалов Б.Б., Зайналов Н.Р., Мусалиев А.А., Файзиева Ф. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент -2004.

2. Герасименко В.А. Защита информации в автоматизированных системах обработки данных. Москва: 1998

3. Камилов Ш.М., Машарипов А.К., Закирова Т.А., Эрматов Ш.Т., Мусаева М.А. Компьютер тизимларида ахборотни ҳимоялаш. Маъруза матнлари. ТДИУ Тошкент , 2003

4. Р.В.Хамидуллин, И.А.Бригаднов, А.В.Морозов. Методы и средства защиты компьютерной информации. Учебное пособие. Санкт – Петербург. 2005. 87 стр.

5. В.И.Завгродный. Комплексная защита информации в компьютерных системах. Учебное пособие. Москва, Логос; ПБОЮЛ. 2001. 264 стр.

6. Ю.А.Гатчина, А.Г.Коробойников. Основы криптографических алгоритмов. Учебное пособие. Санкт – Петербург. 2002, 29 стр.

Қўшимча

7. М.Г.Адигеев. Ведение в криптографии. Методические указания для студентов механико-математического факультета. Часть 1. Основные понятия, задачи и методы криптографии. Ростов – на – Дону. 2002.

8. Шаньгин В.Ф. «Зищита информации и информационная безопасноть» 2 часть. Москва: «МИЭТ», 2000

9. Интернет ахборот ресурслари; www.ziyonet.uz ва бошк.

II.Компьютер тизимларида ахборотларни химоялаш фанидан

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Ишчи ўқув дастури:
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ўқув ишлари проректори томонидан (29. 08. 2008 й.) тасдиқланган (Проф. Т.Э.Остонақулов)

Ишчи ўқув дастури 30.08. 2006 й. тасдиқланган фан дастурига асосан тузилди.

5340100- "Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)" ва 5610100 -"Фермер хўжаликларини бошқариш" бакалавриат таълим йўналиши ўқув дастури, ўқув режаси ва фан дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: доцент Х .Урдушев, доцент М.Рахимов

Тақризчилар: Самарқанд давлат университети

доценти Б.И.Усманов,"Олий математика ва ахборот технологиялари" кафедраси доценти И.Абруев

Ишчи ўқув дастури:

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг

«Иқтисодиёт ва бошқарув» факултети Илмий кенгашининг 2008 йил 28.08.№1-сон мажлисида муҳокама этилди ва тасдиқланди (Илмий кенгаш раиси доц. А.И.Аликулов).

«Иқтисодиёт ва бошқарув» факултети Услубий кенгашининг 2008 йил 27.08.№1-сон мажлисида муҳокама этилди ва тасдиқланди (Услубий кенгаш раиси доц. Р.Усмонов).

«Олий математика ва ахборот технологиялари» кафедрасининг 2008 йил 26 августдаги №1-сон мажлис қарори билан тасдиқланди (Кафедра мудири доц. П.Давронов)

Дарс соатлари тақсимоти: 18 соат маъруза, 18 соат лаборатория (18 соат амалий машғулот ФХБ йўналиши учун) ва 28 соат мустақил таълим)

II.1.Маъруза машғулотларининг мавзулари

Мавзу №.	Маъруза №	Мавзулар мазмуни	Соат
1-мавзу. Ахборотларга нисбатан мавжуд хавф-хатарлар асослари (6 соат). Адабиёт: 1-16			
	1-маъруза	1.1.Ахборотларга нисбатан мавжуд хавфсизликларнинг асосий тушунчалари ва унинг таснифи	2
	2-маъруза	1.2. Автоматлаштирилган ахборот тизимларида маълумотларга нисбатан хавфлар	2
	3-маъруза	1.3.Вирус ва антивируслар таснифи	2
2-мавзу. Замонавий компьютер стенографияси ва криптографияси (4соат). Адабиёт: 1-14			
	4-маъруза	2.1.Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари	2
	5-маъруза	2.2.Ахборотларни крептографик ҳимоялаш усуллари	2
3-мавзу. Компьютер тармоқларида маълумотларнинг рухсатсиз тарқалиши ва уларни бартараф этиш усуллари (4соат). Адабиёт: 1-19			
	6-маъруза	3.1.Маълумотларни тарқалиб кетиши ва маълумотларга рухсатсиз кириш 3.2.Компьютер тармоқларида маълумотларни тарқалиш каналлари	2
	7-маъруза	3.3.Компьютер тармоқларида замонавий ҳимоялаш усуллари ва воситалари	2
4-мавзу. Internet тизимида маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш усуллари ва воситалари (4 соат). Адабиёт: 1-14			
	8-маъруза	4.1.Internetда ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш асослари 4.2.Электрон почтада ахборотларга нисбатан мавжуд хавф-хатарлар ва улардан ҳимояланиш асослари	2
	9-маъруза	4.3.Электрон тўловлар тизимида ахборотларни ҳимоялаш 4.4. Компьютер тизимларининг ҳимояланганлик даражасини аниқлаш воситалари	2

II.2.Амалий машғулот ва лаборатория ишлари мавзулари

Т.р.	Мавзулар номи ва мазмуни	Режа
1	**Мавзу. Windows операцион тизимини паролли ҳимоялаш** 1.Операцион тизимларни паролли ҳимоялаш 2.Паролларни ўрнатиш ва олиб ташлаш **Лаборатория иши № 1** (Макс. 4 балл). Ад.4	2
2	**Мавзу. Windows операцион тизимида файл ва, папкалар тузиш, нусхаларини яратиш ва архивлаш** 1.Windows XP папка ва файллар яратиш 2.Папка ва файллар нусхаларини яратиш 3.Архиватор дастурлари. 4.Windows XP папка ва файлларни архивлаш. 5.Архивланган папка ва файлни очиш. **Лаборатория иши № 2** (Максимал 4 балл) Ад.4	
3	**Мавзу. Windows XP иловалари паролли ҳимоялаш** 1.Microsoft Word XP дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш. 2.Microsoft Excel XP дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш. 3.Компьютерда вазифалар бажариш **Лаборатория иши № 3** (Максимал 4 балл). Ад.4	2
4	**Мавзу. Антивирус дастурлари** 1.Антивирус дастурлари ҳақида 2.NOD32 антивирус дастури унинг имкониятлари. 3.Касперского Personal антивирус дастури ва унинг имкониятлари 4.Антивирус дастурлари билан ишлаш **Лаборатория иши № 4** (Максимал 4 балл). Ад.4	
5	**Мавзу. Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари Ахборотларни шифрлашда ўринларни алмаштириш усули** 1.Ахборотларни ўринларни алмаштириш усули билан шифрлаш. 2.Ахборотларни таянч сўзли ўринларни алмаштириш усули билан шифрлаш **Лаборатория иши № 5** (Максимал 4 балл). Ад.4	2
6	**Мавзу. Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари. Ахборотларни шифрлашни Цезар усули** 1.Ахборотларни Цезар усули билан шифрлаш 2.Ахборотларни аффин тизимидаги Цезар усули шифрлаш. 3.Таянч сўзли Цезар усули **Лаборатория иши № 6** (Максимал 4 балл). Ад.4	2
7	**Мавзу. Ахборотларни гаммалаш усули билан шифрлаш** 1.Тақкосламалар ҳақида асосий тушунчалар 2.Ахборотларни гаммалаш усули билан шифрлаш **Лаборатория иши № 7** (Макс. 4 балл). Ад.4	4

Т.р.	Мавзулар номи ва мазмуни	Режа
8	**Мавзу. Ахборотларни симметрик усул билан шифрлаш. Вижинер усули** 1.Ахборотларни Вижинер жадвали билан оддий шифрлаш усули. 2.Ахборотларни Вижинер жадвали билан калитли шифрлаш **Лаборатория иши № 8** (Макс. 4 балл) Ад.4	2
9	**Мавзу. Ахборотларни криптографик ҳимоялашни аналитик усуллари. Хилл усули.** Ахборотларни шифрлашнинг Хилл усули **Лаборатория иши № 9** (Макс. 4 балл) Ад.4	4
	Жами	18

II.3.Мустақил таълим мавзулари

	Мустақил таълим мавзулари ва мазмуни	Соат
	Назарий қисм бўйича (Мавзуларда тегишли вазифалар бажарилади)	
1	**Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари. Ахборотларни шифрлашни Цезар усули.** Ахборотларни Цезар усули билан шифрлаш. Ахборотларни аффин тизимидаги Цезар усули билан шифрлаш. Ад.4	4
2	**Ахборотларни симметрик усул билан шифрлаш. Вижинер усули.** Ахборотларни Вижинер жадвали билан оддий шифрлаш. Ахборотларни Вижинер жадвали билан калитли шифрлаш . Ад.4	4
3	**Ахборотларни криптографик ҳимоялашни аналитик усуллари. Хилл усули.** Ад.4	4
	Амалий қисм бўйича	
4	**Вирусларнинг файллар таркибига таъсири.** Файллар таркибини бузувчи ва бузмайдиган вируслар. Оператор ва қурилмаларга таъсир қилувчи вируслар Ад.1-19	4
5	**Ташкилотларда ахборотларни ҳимоялаш.** Ташкилотларда ахборотларни ҳимоялаш. Ахборотларни ташкилий ҳимоялаш элементлари. Ахборот тизимларида маълумотларга нисбатан хавф-хатарлар. Ад.1-19	4
6	**Электрон тўловлар тизимида ахборотларни ҳимоялаш** Электрон тўловлар тизими. Идентификация шахсий номерини ҳимоялаш. Банкоматлар хавфсизлигини таъминлаш. Интернетда мавжуд электрон туловлар хавфсизлини таъминлаш. Ад.1-19	4
7	**Компьютер тизимларининг ҳимояланганлик даражасини аниқлаш воситалари.** SSS –System security Scanner дастури ва унинг асосий вазифалари. Satan ва Internet Scanner SAFE дастури ва унинг вазифалари.Internet Scanner SAFFEsuite дастури ҳақида. Ад.1-19	4
	Жами	28

II.4 «Компьютер тизимида ахборотларни ҳимоялаш» фанидан якуний баҳолаш саволлари

Ахборотларга нисбатан мавжуд хавф-хатарлар асослари.Ахборотларга нисбатан мавжуд хавфсизликларнинг асосий тушунчалари ва унинг таснифи

1. Ахборот хавфсизлигига кириш
2. Предметнинг асосий тушунчалари ва мақсади
3. Ахборотларга нисбатан хавф-хатарлар таснифи
4. Тармоқ хавфсизлигини назорат қилиш техник воситалари
5. Операцион тизим иловаларига ҳимоя ўрнатиш

Автоматлаштирилган ахборот тизимларида маълумотларга нисбатан хавфлар

6. Автоматлаштирилган ахборот тизимларида ҳимоялаш зарурияти
7. Ахборотни ҳимоялаш тизими
8. Ташкилотлардаги ахборотларни ҳимоялаш.
9. Ҳимоялаш тизимининг комплекслиги.
10. Ахборотларни ташкилий ҳимоялаш элементлари
11. Ахборот тизимларида маълумотларга нисбатан хавф-хатарлар

Вирус ва антивируслар таснифи

12. Вирус ва унинг турлари.
13. Зарарланган диск.
14. Компьютер вируси.
15. Компьютер вирусларидан ахборотларга рухсатсиз кириш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш.
16. Антивирус дастурлари.
17. Вирусларга қарши чора- тадбирлар

Замонавий компьютер стенографияси ва криптографияси.Ахборотларни стенографик ҳимоялаш усуллари

18. Замонавий компьютер стенографияси
19. Компьютер стенографияси истиқболлари
20. Компьютер стенографиясининг асосий вазифалари
21. Конфидециал ахборотларни киришдан ҳимоялаш.
22. Мониторинг ва тармоқ захираларини бошқариш тизимларини енгиш.
23. Дастурий таъминотни ниқоблаш.
24. Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш.
25. Стенографик дастурлар тўғрисида қисқача маълумот.

Ахборотларни крептографик ҳимоялаш усуллари

26. Крептография ҳақида асосий тушунчалар.
27. Кодлаштириш ва шифрлаш.
28. Ахбротларни криптографияли ҳимоялаш тамойиллари
29. Компьютер маълумотларини ҳимоялашнинг техник-дастурий воситалари.
30. Симметрияли криптотизим асослари.
31. Ўринларни алмаштириш усуллари
32. Алмаштириш усуллари

Компьютер тармоқларида маълумотларнинг рухсатсиз тарқалиши ва уларни бартараф этиш усуллари.

33. Ахборот тизимларининг таъсирчан қисмлари
34. Электрон почтага рухсатсиз кириш
35. Маълумотларга рухсатсиз киришнинг дастурий ва техник воситалари

Компьютер тармоқларида маълумотларни тарқалиш каналлари

36. Компьютер тармоқларининг заиф қисмлари.
37. Тармоқ ҳимоясининг ташкил этиш асослари.
38. Компьютер телефониясидаги ҳимоялаш усуллари

Компьютер тармоқларида замонавий ҳимоялаш усуллари ва воситалари

39. Компьютер тармоқларида ҳимояни таъминлаш усуллари
40. ЭҲМ ҳимоясини таъминлашнинг техник воситалари
41. Компьютер тармоқларида маълумотларни ҳимоялашнинг асосий йўналишлари
42. Internet тармоғида мавжуд алоқанинг ҳимоясини таъминлаш асослари.

II.5.Фан бўйича адабиётлар рўйхати ва интернет ахборот ресурсларидаги электрон версияларининг номи

1. Алимов Р.Х, Ходиев Б.Ю., Алимов Қ. А., Усмонов С.У., Бегалов Б.Б., Зайналов Н.Р., Мусалиев А.А., Файзиева Ф. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент -2004.

2. Герасименко В.А. «Защита информации в автоматизированных системах обработки данных» Москва: 1998

3. Камилов Ш.М., Машарипов А.К., Закирова Т.А., Эрматов Ш.Т., Мусаева М.А. Компьютер тизимларида ахборотни ҳимоялаш. Маъруза матнлари. ТДИУ Тошкент , 2003

4. Ҳ.Урдушев, М.Рахимов. Компьютер тизимларида ахборотларни ҳимоялаш фанидан амалий, лаборатория иши ва мустақил таълим вазифаларини бажариш учун услубий қўлланма.СамҚХИ. Самарқанд 2007 йил.

Интернетдан олинган электрон версиялар:

5. В.И.Завгородный. Комплексная защита информации в компьютерных системах. Учебное пособие. Москва. "Логос". 2001. 264 с.

6. В.А.Голуб. Парольная зашита. Учебно - методическое пособие. ВГУ. Воронеж. 2005.

7. Р.Р.Хамидулина, И.А.Бригаднов, А.В.Морозов. Методы и средство зашиты компьютерной информации. Учебное пособие. СЗТУ. Санкт - Петербург. 2005. 178 с.

8. В.Н.Будко. Информационная безопасность и зашита информации (Конспект лекций). ВГУ. Воронеж. 2003. 86 с.

9. М.Г.Адигеев. Введение в криптографию. Методические указания. Часть 1. Ростовский ГУ. Ростов-на-дону. 2002. 35 с.

10.Ю.А. Гатчин, А. Г.Коробейников. Основы криптографических алгоритмов. Учебное пособие. ИТМО (Технический университет). СПб. 2002. 29 с.

11. А.В.Терехов, В.Н.Чернышов, А.В.Селезнев, И.П.Рак. Зашита компьютерной информации. Учебное пособое. Томбов. Изд-во ТГТУ.2003 г. 80 с.

12. В.А.Голуб.Система контроля доступа. Учебно-методическое пособие. ВГУ. Воронеж. 2004. 15 с.

13.Брюс Шнайер. Прикладная криптография. 2-е издание. Протоколы, алгоритмы и исходные тексты на языке С. 2001

14. Ю.В.Романец. П.А.Тимофеев, В.Ф.Шаньгин. Защита информации в компьютерных системах и сетях. Под ред. В.Ф.Шаньгина. "Радио и связь"Москва. 2001. 376 с.

15.11.С.Г.Баричев, Р.Е.Серов. Основы современной криптографии. Ver 1.3. 151с.

16.С.Баричев. Криптография без секретов. Книга. Интернет.

17. Г.Г.Елинова. Информационные технологиии в профессиональной деятельности. Краткий курс лекци.Оренбург. ОГУ. 2004. 39 с.

18. В.В.Ященко - Введение в Криптографию.271 с

19. К.В.Ржавский. Информационная безопасность – практическая защита информационных технологий и телекоммуникационных систем. Учебное пособие. ВолГУ. 2002. 122с.

II.6.Фан бўйича талабаларни баҳолаш тартиби

1.Маъруза машғулотлари бўйича:

1) Фан бўйича талабаларни оралиқ баҳолашга 45 балл ажратилиб, унинг 15бали мустақил таълимга ажратилган.Қолган 30 бални тўплаш учун 1-маротаба оралиқ назорат ўтказилади;

2) Мустақил таълим бўйича 15 балл оралиқ баҳолаш балларини олиш учун талаба «Мустақил таълим мавзулари режаси» да келтирилаётган 1-3 мавзуларини (бу ерда ҳар бир мавзу - максимал 5 балдан баҳоланади) бажариб, белгиланган тартибда расмийлаштириб, маъруза ўқийдиган профессор - ўқитувчига топширади.

- **1-оралиқ баҳолаш ∑ = 30 балл; 2-оралиқ баҳолаш ∑= 15 балл.**

Амалий ва лаборатория машғулотлари бўйича:

1) Фан бўйича талабаларни жорий баҳолашга 40 балл ажратилиб, унинг 4 бали мустақил таълимдан тўпланади. Қолган 36 балл эса 9 та лаборатория ишларини бажариш натижасига кўра баҳоланади. Ҳар бир лаборатория иши - максимал 4 балл билан баҳоланади.

2) Мустақил таълим бўйича 4 балл жорий баҳолаш балини тўплаш учун талаба «Мустақил таълим мавзулари режаси» да келтирилаётган 4-7 мавзуларини бажариб, белгиланган тартибда расмийлаштириб амалий машғулот ўтадиган профессор - ўқитувчига топширади;

3) Ўрганиладиган мавзулар сони ва ҳажмини амалиёт ўқитувчиси талабанинг фанни билиши, ўзлаштириш даражаси, дарсларда фаол қатнашишига кўра белгилайди.

- **1-жорий баҳолаш ∑= (Лаб.№1+Лаб.№2+Лаб.№3) = 12 балл;**
- **2-жорий баҳолаш ∑= (Лаб.№4+ Лаб.№5+Лаб.№6) = 12 балл;**
- **3-жорий баҳолаш ∑= (Лаб.№7+Лаб.№8+Лаб.№9+ Муст.иш) = 16 балл.**

3. Мустақил таълим ва лаборатория ишларини расмийлаштириш ва топшириш:**1) Реферат форматида А4 форматли қоғозда; 2) Реферат форматида умумий дафтарда; 3) Компьютерда бажарилган рефератнинг электрон версияси шаклида.**

Баҳолаш тури	Юқори балл	Баҳолаш мезонлари			
		0 – 54 балл	55 – 70 балл	71 – 85 балл	86 – 100 балл
Оралиқ баҳолаш	45	0-24,3	24,8-31,5	32,0-38,3	38,7-45,0
Шундан аудиторияда:					
1-Оралиқ баҳолаш	30	0-16,2	16,5-21	21,3-25,5	25,8-30,0
Мустақил таълимда					
2-Оралиқ баҳолаш	15	0- 8,1	8,3-10,5	10,6-12,8	12,9-15,0
2-Оралиқ баҳолаш	40	21,6	22,0-28,0	28,4-34,0	34,4-40,0
Шундан аудиторияда:					
1-жорий баҳолаш	12	0-6,5	6,6-8,4	8,5-10,2	10,3-12,0
1-жорий баҳолаш	12	0-6,5	6,6-8,4	8,5-10,2	10,3-12,0
1-жорий баҳолаш	16	0-8,7	8,8-11,3	11,4-13,6	13,8-16,0
(1 та лаборатория учун)	(4)	0-2,2	2,3-2.8	2.9-3,4	3.5-4,0
Якуний баҳолаш	15	0- 8,1	8,3-10,5	10,6-12,8	12,9-15,0
Умумий балл	100	0-54	55-70	71-85	86-100

1. Мавзу. Windows операцион тизимини паролли ҳимоялаш

1. Операцион тизимларни паролли ҳимоялаш
2. Паролларни ўрнатиш ва олиб ташлаш

I.**Дарснинг мақсади.** Талабаларга операцион тизимларни паролли ҳимоялаш, паролларни ўрнатиш ва олиб ташлаш усулларини ўргатиш.
II. Информацион техник ва услубий воситалар
II.1. Pentium компьютерлари, кадоскоп, видеоплеер ва плакатлар
II.2. Адабиётлар: [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7] ва мавзу бўйича тарқатма материаллар

1.1.Операцион тизимларни паролли ҳимоялаш

Паролли ҳимоялашга тўхталамиз.

1.**Windows XP** да парол ўрнатиш учун **Пуск ▸ Настройка ▸ Панель управления** буйруқларини берамиз. Натижада монитор экранига **Панель управления** (Бошқариш панели) диалог ойнаси чиқарилади.

2. Бу ойнадаги файллар рўйхатидан (Фойдаланувчиларнинг ҳисобини ёзиш)ни фаоллаштириб, контекст менюдан **Открыть** буйруғи берилади.

3. Ойнага чиқариладиган **Учетные записи пользователей** мулоқот ойнасининг **Выберите задание** (Вазифани танланг) бандида қуйидагилар келтирилади: **Изменение учетной записи** (Ҳисобга олиш ёзувларни ўзгартириш); **Создание учетной записи** (Ҳисобга олиш ёзувларни тузиш); **Изменение входа пользователей в систему** (Системага кирувчи фойдаланувчиларни ўзгартириш).

Юқорида келтирилганлардан **Изменение учетной записи** нинг функцияларини қараб чиқайлик.

4. Бунинг учун **Изменение учетной записи** ни фаоллаштирамиз.



1.1-расм.

Натижада 1.1-расмда келтирилган мулокот ойнаси 1.2-расмдаги кўринишни олади. Бу ойнадаги **Выберите изменяемую учетную запись** (Ўзгартириладиган ёзувни танланг) майдонидан SHER ни танлаймиз ёки **Вперед** (Олдинга) буйруғини берамиз.



1.2-расм.



1.3-расм.

Натижада **Учетные записи пользователей** мулокот ойнаси 1.3-расмда келтирилган кўринишни олади. Бу мулокот ойнасида куйидаги вазифаларни бажариш мумкин: **Изменение имени** (Қўйилган номни ўзгартириш); **Создания пароля** (Парол тузиш); **Изменения изображения** (Тасвирни ўзгартириш); **Измениния типа учетной записи** (Ҳисобга олиш ёзувларини типини ўзгартириш); **Использовать паспорт .NET** (.NET паспортини қўллаш).

1.2. Паролларни ўрнатиш ва олиб ташлаш

Демак, биз операцион тизимга кириш учун парол қўймоқчи бўлсак, **Учетные записи пользователей** мулоқот ойнасининг **Что вы хотите изменить в своей учетной записи?** (Сиз ўзингизнинг ҳисоб ёзувингиздан нимани ўзгартирмоқчисиз?) майдонидан Создание пароля ни фаоллаштирамиз. Натижада **Учетные записи пользователей** мулоқот ойнаси (1.4-расм) **Создание пароля для вашей учетной записи** (Сизнинг ҳисоб ёзувларингиз учун пароль тузиш) ёзуви билан экранга чиқарилади.



1.4-расм.

Бу мулоқот ойнасининг **Введите новый пароль** (Янги паролни киритинг) майдонида янги парол номи ёзилади.

Введите пароль для подтверждения (Тасдиклаш учун паролни яна ёзинг) майдонида эса парол яна қайта ёзилади. Кейин шу мулоқот ойнасидан **Создать пароль** (Парол тузиш) тугмаси (буйруғи берилади)

Ўрнатилган паролни олиб ташлаш ёки уни ўзгартириш учун ҳам юқорида парол ўрнатишда бажарилган амаллар тартиб билан кетма кет бажарилади.

Натижада, 1.3-расмда келтирилган **Учетные записи пользователей** мулоқот ойнаси 1.5-расмда келтирилган кўринишни олади.

Бу ойнадаги **Изменение пароля** (Паролни ўзгартириш) воситаси ёрдамида ўрнатилган парол ўзгартириса, **Удаления пароля** (Паролни олиб ташлаш) билан ўрнатилган парол олиб ташланади.

Сиз компьютерга парол ўрнатиш бўйича малака ва кўникма ҳосил қилишингиз учун юқорида келтирилганларни амалда бажариб кўришингиз лозим бўлади.



1.5-расм.

Компьютерга парол ўрнатиш унга бошқа кишиларнинг рухсатсиз киришидан ҳимоялайди.

Компьютерга бир нечта пароллар ўрнатилиши мумкин. Бу ерда бир нечта фойдаланувчилар назарда тутилмоқда.

Мавзу бўйича лаборатория ишини расмийлаштириш тартиби:

1) Компьютерга парол ўрнатишни асосий таснифларини келтиринг;
2) Компьютерга парол ўрнатишни асосий вазифаларини таснифланг;
3) **Пуск ▸ Настройка ▸ Панель управления** буйрукларини беринг **Учетные записи пользователей** (Фойдаланувчиларнинг ҳисобини ёзиш) ни фаоллаштириб, бу восита ёрдамида амалга ошириладиган ишларни мустақил ўрганинг. Бу ерда: ойнага чиқариладиган **Учетные записи пользователей** мулоқот ойнасининг **Выберите задание** (Вазифани танланг) бандида қуйидагилар келтирилади: **Изменение учетной записи** (Ҳисобга олиш ёзувларни ўзгартириш); **Создание учетной записи** (Ҳисобга олиш ёзувларни тузиш); **Изменение входа пользователей в систему** (Системага кирувчи фойдаланувчиларни ўзгартириш) воситалари назарда тутилмоқда
4) Ўрганилган жараёнларни таснифланг.
5) Лаборатория белгиланган тартибларда расмийлаштирилади ва кафедрага топширилади.
6) Лабораториянинг электрон версияси ҳам қабул қилинади.

2.Мавзу. Windows операцион тизимида файл ва папкалар тузиш, нусхаларини яратиш ва архивлаш

1.Windows XP папка ва файллар яратиш
2. Папка ва файллар нусхаларини яратиш
3. Архиватор дастурлари билан ишлаш
4. Windows XP папка ва файлларни архивлаш
5. Архивланган папка ва файлни очиш

I.Дарснинг мақсади. Талабаларга **Windows XP** папка ва файллар яратиш, папка ва файллар нусхаларини яратиш, архиватор дастурлари билан ишлаш, **Windows XP** папка ва файлларни архивлаш, архивланган папка ва файлни очиш усулларини ўргатиш.
II. Информацион техник ва услубий воситалар
II.1. **Pentium** компьютерлари, кадоскоп, видеоплеер ва плакатлар
II.2. Адабиётлар: [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7] ва мавзу бўйича тарқатма материаллар

2.1.Windows XP папка ва файллар яратиш

1.Компьютерда **Windows** операцион тизимини юкланг.

2.**Рабочий стол** (Иш столи)да **Намуна 3** номли папка яратинг. Бунинг учун иш столининг бўш жойида контекст менюнини очинг ва ундан **Создать ▸ Папку** буйруғини беринг. Ҳосил бўлган папкани Намуна 3 номда расмийлаштиринг

3.Иш столидаги объект, файл ва пакаларни нусхасини Намуна 3 папкасида яратинг. Бунинг учун иш столидаги бирорта файлини фаоллаштиринг ва контекст менюдан **Копировать** (Нусха олиш) буйруғини беринг. Кейин Намуна 3 папкасини фаоллаштиринг ва контекст менюдан **Вставить** (Олинган нусхани қўйиш) буйруғини беринг. Бу ишни бошқа бир нечта файл ва объектлар учун бажаринг.

4. Намуна 3 папкасидаги файл ва папкаларни қайта бошқа ном билан расмийлаштиринг. Бунинг учун папкадаги файлни фаоллаштиринг ва контекст менюдан **Переименовать** (Қайта номлаш) буйруғини беринг ва файлнинг номлар майдончасида исмингизни, масалан **"Замира 1"** ни ёзиб клавиатурадан **Enter** тугмасини босинг. Бу ишни бошқа файллар учун бажаринг. Файлларни мос равишда **"Замира 2","Замира 3"** ва ҳ.к. янги номлар билан расмийлаштиринг.

5. Янги файлларни архиватор дастурлар ёрдамида архив нусхаларини яратинг. Архивланадиган файлларга пароль ўрнатинг. Ўрнатилган пароллар номини эслаб қолинг.

6. Намуна 3 папкасидаги **"Замира 2"** файлини фаоллаштиринг ва контекст менюдан **Удалить** (Йўқотиш, ўчириш) буйруғини беринг. Бу ишни қолган файллар учун такрорланг.

7. Иш столидан **Корзина** (Сават) папкасини очинг. Бунинг учун **Корзина** папкасини фаоллаштириб, контекст менюдан **Открыть** (Очиш) буйруғини

беринг. **Корзина (Савat)** папкасида ўчирилган файллар, объектлар ва папкалар рўйхати сақланади. Бу папка тизим папкаси ҳисобланади.

Корзина папкасидаги **Задачи для "Корзины"** (Савat учун вазифалар) майдонида: **Очистить корзину (Саватни тозалаш)** буйруғи берилса бу папкадаги барча объектлар ўчирилади.

Агар **Восстановить объект (Объектни тиклаш)** буйруғи берилса барча ўчирилган объектлар жой-жойига қайта тикланади.

Агар биз Намуна 3 папкасидан ўчирилган **"Замира 1"** файлини жойига қайта тикламоқчи бўлсак, **Корзина** папкасидаги **"Замира 1"** файлини фаоллаштирамиз ва контекст менюдан **Восстановить** (Тиклаш) буйруғини берамиз. Контекст менюдаги **Вырезать** (Кесиб олиш) буйруғи билан файл жорий папкадан ўчирилади ва нусхаси Алмашинув буферида сақланади. Агар контекст менюдан **Удалить** (Йўқотиш, ўчириш) буйруғи берилса файл компьютер хотирасидан ўчирилади.



Намуна 3 папкасидаги бошқа файллар билан ўчириш ва қайта тиклаш амалларини бажаринг. Мавзу бўйича кўникма ва малака ҳосил қилинг.

2.2. Папка ва файллар нусхаларини яратиш

Операцион тизим фойдаланувчига папка ва файлларнинг нусхасини яратиш кўплаб усулларини таклиф қилади, масалан:

Файл фаоллаштирилади;

1) «Сичқонча» ўнг тугмаси босилиб чиқариладиган контекст менюдан **Создать** буйруғи берилади;
2) Дастур жорий файли, масалан **Документ 1** (матн муҳаририда) ёки **Книга 1** (электрон жадвалда) ном билан тузади.

3) Фойдаланувчи янги ном билан файлни тегишли папка ёки ахборот ташувчи воситаларда ёзиб қўйиши мумкин;
4) Ҳужжатни нусхасини **Файл** менюсининг **Сохранить как** буйруғи билан ҳам яратиш мумкин. Бундай ҳолларда файлга тегишли папка ёки ахборот ташувчи воситаларда ёзиб қуйиш ёки бошқа ном берилади.
5) Нусхалашни Контекст менюдан Копировать буйруғи билан ҳам амалга ошириш мумкин. Кейин файл нусхаси тегишли папка ёки ахборот ташувчи воситаларда ёзиб қўйилади.

2.3. Архиватор дастурлари

Архивлаш дастурлари – компьютер дискида жойни тежаш мақсадида файллар ҳажмини кичрайтиришга имкон берувчи дастурдир.[1] Улар турлича кўринишда ишлатилса ҳам, ишлаш тамойили бир хил: файлларда айнан такрорланадиган ўринлар мавжуд бўлиб, уларни дискда сақлаш мазмунсиз ҳисобланади.

Архиватор дастурларининг вазифаси такрорланадиган шундай бўлакларни топиб, уларни ўрнига бошқа бирор маълумотни ёзиш ҳамда уларнинг кетма-кетлигини аниқ кўрсатишдан иборатдир.

Файллар учун сиқилганлик даражаси бир хил бўлмайди. Архивлаш дастурлари файлларни бир-неча баробар сиқиб ифодалайди.

Архиватор дастурлари анчагина бўлиб, уларда қўлланиладиган математик усуллар, архивлаш, архивни очиш тезлиги ва энг асосийси, сиқиш самародорлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Архивлаш дастурларига анча оммалашган ва фойдаланишга жуда қулай бўлган **WinRAR** ва **WinZIP** дастурларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Архив файли ягона файлга бирлаштирилган бир ёки бир неча файлнинг сиқилган ҳолдаги кўриниши бўлиб, ундан керакли вақтларда файлларнинг дастлабки кўринишини чиқариб олиш мумкин.

Архив файли ундаги файллар номларини кўрсатувчи мундарижага эга бўлади. Бу мундарижада: файл номи; файл жойлашган папка ҳақида маълумот; файл ўзгартирилгани кўрсатувчи сана ва вақт ва файлнинг дискдаги, архивдаги ўлчами ва параметрлари келтирилади.

2.4. Windows XP папка ва файлларни архивлаш

Энди архиватор дастурларини амалда қўлланишини кўриб чиқайлик.

2.1-вазифа.

1. Windows операцион тизимини юкланг.
2. Windows иш столини фаоллаштиринг ва унда ЭКОНОМИКА 2008 номли янги папка тузинг.
3. ЭКОНОМИКА 2008 папкасига иш столидаги файл ёки объектларини нусхаларини жойлаштиринг. Жойлаштирилган файлларни **Матн1, Матн 2, Матн 3, ...** янги номлар билан қайта расмийлаштиринг.
4. ЭКОНОМИКА 2008 папкасини **Проводник** (Бошловчи) билан фаоллаштиринг (очинг). Бу папка ичида БОСҚИЧ номли янги папка тузинг ва

[1] А.А.Абдукодиров ва бошқ. Ахборот технологиялари.Тошкент. Ўқитувчи.2002.

унга ҳам иш столидаги файлларнинг нусхаларини жойлаштиринг ва уларни ҳам бошқа янги номлар билан, масалан **Сардор1, Сардор 2, Сардор 3, ...** билан расмийлаштиринг.



2.1-расм. ЭКОНОМИКА 2008 папкасини **Проводник** бошловчи билан очилган ойнасининг кўриниши.

5. ЭКОНОМИКА 2008 папкасидаги Матн 1 файлни фаоллаштиринг ва контекст менюдан 

Добавить архив (Ахивга қўшиш) буйруғини беринг.



2.2-расм.

Натижада монитор ойнасида **Имя и параметры архива** номли диалог ойнаси чиқарилади. Бу ойнадан **ОК** тугмасини босинг. Бу ишни қолган

файллар учун ҳам бажаринг. Архивланган файлларни кўриниши 2.3-расмда келтирилган.



2.3-расм.

Биз қараётган мисолда (2.3-расм) Матн 3 файлининг ўлчами 3352 Кб бўлса, бу файл архивлангач ўлчами 560 Кб ни ташкил килган. Демак, файлни архивлаш натижасида унинг ўлчами 6 баробарга кичрайтирилган (сиқилган).

Амалий ва лаборатория иши топшириқлари.

2.2-вазифа.

Иш столидаги янги яратилган тегишли папкада бир нечта янги файллар яратинг ёки иш столидаги бошқа файлларнинг нусхалари янги номлар билан тузинг. Файлларни архивлаш орқали чиқариладиган **Имя и параметры архива** (Архив ном ива параметрлари) номли диалог ойнасида:

1)**Общие** (Умумий) *вкладка* сини фаоллаштиринг ва у билан бажариладиган вазифаларни таснифланг (3.2-расмда бу вкладкани фаол кўриниши келтирилган).

2)**Дополнительно** (Қўшимча) *вкладка* сини фаоллаштиринг ва у билан бажариладиган вазифаларни таснифланг

3)**Файлы** (Файллар) *вкладка* сини фаоллаштиринг ва у билан бажариладиган вазифаларни таснифланг.

4)**Резервные копии** (Захира нусхалари) *вкладка* сини фаоллаштиринг ва у билан бажариладиган вазифаларни таснифланг.

5)**Коментарий** (Шарҳ) *вкладка* сини фаоллаштиринг ва у билан бажариладиган вазифаларни таснифланг

2.3-вазифа.

Иш столидаги янги яратилган тегишли папкада бир нечта янги файллар яратинг ёки иш столидаги бошқа файлларнинг нусхалари янги номлар билан тузинг. Файлларни архивлаш орқали чиқариладиган **Имя и параметры архива** номли диалог ойнасида:

1)**Общие** *вкладка* сини фаоллаштиринг ва унинг **Метод сжатия** (Сиқиш усуллари) номли майдонидаги ойнада чиқариладиган: **Без сжатия** (Сиқишсиз),

Скоростной (Тезкор), **Быстрый** (Тезда), **Хороший** (Яхши), **Максимальний** (Максимал) усуллари билан бажариладиган архивлашларни бирорта файл мисолида ўрганинг. Уларни умумий ва фарқли томонларини таснифланг.

2)**Общие** *вкладка* сини фаоллаштиринг ва унинг **Метод обновления** (Янгилаш усуллари) номли майдонидаги ойнада чиқариладиган: **Добавить с заменой файлов** (Файлларни алмаштириш орқали қўшиш), **Добавить с обнавлением файлов** (Файлларни янгилаш билан қўшиш), **Обновить существуюшие файлы** (Мавжуд файлларни янгилаш), **Синхронизировать содержимое файлов** (Файллар мазмунини синхронлаш) усуллари билан бажариладиган архивлаш ишларини бирорта файл мисолида ўрганинг. Уларни умумий ва фарқли томонларини таснифланг.

3) Папкадаги бир нечта файлларни ажратинг ва архивланг. Архивланган файлни очинг. Жараённи таснифланг.

4) **Справка** тугмасини босиш орқали чиқариладиган маълумотнома тизимидан фойдаланинг.

2.5. Архивланган папка ва файлни очиш

Архивланган папка ва файлларни очиш вазифалар бажариш орқали ўрганамиз.

1.Папкадаги архивланган файлни, масалан архивланган 

матн 1 файлини фаоллаштирамиз.

2.Архивланган матн фаоллаштириб чиқариладиган контекст менюдан, архив файлларини очишни учта: **Извлечь файлы …**(Файлларни чиқариш…) , **Извлечь в текущую папку…**(Жорий папкага чиқариш…), **Извлечь в Матн 1…** (Матн 1 га чиқариш …) усулини таклиф қилади (2.4-расм).



2.4-расм.

Амалий ва лаборатория иши топшириқлари

2.4-вазифа.

1)ЭКОНОМИКА 2008 папкасидаги Матн 1архивланган файлни фаоллаштиринг ва контекст менюдан **Извлечь файлы** …(Файлларни чиқариш…) буйруғини беринг. Бажарилган ишларни таснифланг.

2)ЭКОНОМИКА 2008 папкасидаги Матн 2 архивланган файлни фаоллаштиринг ва контекст менюдан **Извлечь в текущую папку**…(Жорий папкага чиқариш…) буйруғини беринг. Бажарилган ишларни таснифланг.

3)ЭКОНОМИКА 2008 папкасидаги Матн 3 архивланган файлни фаоллаштиринг ва контекст менюдан **Извлечь в Матн 1…** (Матн 1 га чиқариш …) буйруғини беринг. Бажарилган ишларни таснифланг.

4)ЭКОНОМИКА 2008 папкасидаги БОСҚИЧ архивланган папкани фаоллаштиринг ва контекст менюдан **Извлечь в Матн 1…** (Матн 1 га чиқариш …) буйруғини беринг. Бажарилган ишларни таснифланг.

Лаборатория ишини бажариш учун кўрсатмалар

Мавзу бўйича 2.1-2.3 вазифаларни умумлаштириб лаборатория иши тайёрланади. Лаборатория ишида архвлаш усуллари, уларнинг умумий ва фаркли томонлари таснифланади.

Кўрсатма.

Мавзуни ўрганишда ва лаборатория ишида архивлашнинг таснифларини ёзишда **Имя и параметры архива** диалог ойнасидаги **Справка** тугмасини босиш орқали чиқариладиган маълумотнома матнларидан фойдаланинг.

Саволларга жавоб беринг

1.**Рабочий стол** да янги папка ва файллар қандай воситалар ёрдамида тузилади?

2.**Корзина** папкаси қандай вазифаларни амалга оширади. Изоҳланг.

3. Папка ва файлларни архивлаш воситаларини тушунтириб беринг. Архивланган файлларга парол қўйиш қандай амалга оширилади?

4. **Windows** операцион тизимида ўчирилган файлларни тиклашни ҳамма вақт ҳам амалга ошириш мумкинми?

5.**Корзина** папкаси қандай воситалардан (менюлар, буйруқлар тўплами) ташкил топган? Уларнинг вазифаларини таснифланг.

3.Мавзу. Windows XP иловалари паролли ҳимоялаш

3.1. **Microsoft Word XP** дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш
3.2. **Microsoft Excel XP** дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш
3.3. Компьютерда вазифалар бажариш

I.Дарснинг мақсади. Талабаларга **Microsoft Word XP** ва **Microsoft Excel XP** дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатишни ўргатиш.
II. Информацион техник ва услубий воситалар
II.1. Pentium компьютерлари, кадоскоп, видеоплеер ва плакатлар
II.2. Адабиётлар: [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7] ва мавзу бўйича тарқатма материал

3.1. Microsoft Word XP дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш

1.Компьютерда **Windows** операцион тизимини юкланг.

2.**Рабочий стол** (Иш столи)да **Намуна 4** номли папка яратинг. Бунинг учун иш столининг бўш жойида контекст менюни очинг ва ундан **Создать ▸ Папку** буйруғини беринг. Ҳосил бўлган папкани **Намуна 4** номда расмийлаштиринг

3. **Намуна 4** номли папкасида контекст менюдан **Создать ▸ Документ Microsoft Word** буйруғини беринг. Янги тузилган **Microsoft Word** ҳужжатини Намуна 4 папкасида, ўз номингиз билан (масалан, "Турсинтош 4") расмийлаштиринг

4. "Турсинтош 4" файлини очинг (юкланг). Бунинг учун, бу файлни фаоллаштириб контекст менюдан **Открыть** (Очиш) буйруғини беринг.

5. "Турсинтош 4" файлида " Худойбердиева Турсунтошнинг иқтисодиёт ва бошқарув факультетида –ўқиш даврида бажараётган ишлари " мавзусида ҳужжатли матн яратинг (1-саҳифали).

6. **Microsoft Word** нинг **Сервис** менюсидан **Параметры** буйруғини беринг.Натижада монитор ойнасига **Параметры** номли диалог ойнаси чиқарилади. Бу диалог ойнаси: **Исправления, Пользователь, Совместимость, Расположение, Вид, Общие, Печать, Сохранение, Безопастность, Правописание** номли 11 та *вкладка* лардан иборат бўлади.

7. **Параметры** номли диалог ойнасидан **Безопастность** (Хавфсизлик) *вкладка* сини фаоллаштиринг (3.1-расм). Бу *вкладка* ни **Параметры шифрования для данного документа** (Жорий ҳужжатнинг шифрлаш параметрлари) да **пароль для открытия файла** (файлни очиш пароли) номли майдончасида пароль ўрнатинг. Парол рақам (масалан, туғилган йилингиз ва санангиз)ли, ҳарфли (масалан, исми шарифингиз) ёки исталган рақам, номлар бўлишингиз мумкин. Кейин **пароль разрешения записи** (ёзувлар учун парол) номли майдончага ҳам паролни ўрнатинг.

Қуйиладиган иккита парол бир хил ёки ҳар бўлиши мумкин. Сўнгра **Параметры** номли диалог ойнасидан **ОК** тугмасини босинг. Натижада **Подтверждение пароля** (Паролни тасдиқлаш) ойнаси чиқарилади. Бу ойнада пароль қайта ёзилиб яна **ОК** тугмаси босилади. (Ҳурматли талаба қўйган паролингизни эслаб қолинг. Пароллар ҳарфли (мантли) бўлса ва қайси

алифбода (масалан, рус алифбоси ёки лотин алифбоси) ўша алифбода ёзилиши шарт)

8.Жорий файлни ёпинг.

9. Жорий (масалан, "Турсинтош 4") файлни қайта юкланг. Натижада монитор экранига **Пароль** номли диалог ойнаси чиқарилади (3.2–расм). Бу ойнадаги тегишли майдончада ўрнатилган парол ёзилиб **ОК** тугмаси босилади.



3.1-Расм.



3.2-Расм

3.1. Вазифа.

Microsoft Word да бир нечта файллар яратинг. Уларга парол ўрнатинг. Парол ўрнатиш жараёнини таснифланг.

3.2. Microsoft Excel XP дастурида файллар тузиш ва уларга парол ўрнатиш

Вазифани бажариш учун кўрсатмалар

1.Компьютерда **Windows** операцион тизимини юкланг.

2.**Рабочий стол** (Иш столи)да **Намуна 5** номли папка яратинг. Бунинг учун иш столининг бўш жойида контекст менюнини очинг ва ундан **Создать ▸ Папку** буйруғини беринг. Ҳосил бўлган папкани **Намуна 5** номда расмийлаштиринг

3. **Намуна 5** номли папкасида контекст менюдан **Создать ▸ Лист Microsoft Excel** буйруғини беринг. Янги тузилган **Microsoft Excel** файлини

Намуна 5 папкасида, ўз номингиз билан (масалан, "Олимжон 5") расмийлаштиринг

4. "Олимжон 5" файлини очинг (юкланг). Бунинг учун, бу файлни фаоллаштириб контекст менюдан **Открыть** (Очиш) буйруғини беринг.

